

ISSN: 2181-9416



ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА * LAWYER HERALD

ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ, ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ



CYBERLENINKA

НАУЧНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ
БИБЛИОТЕКА
LIBRARY.RU

ISSN 2181-9416
Doi Journal 10.26739/2181-9416

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

1 СОН, 4 ЖИЛД

ВЕСТНИК ЮРИСТА

НОМЕР 1, ВЫПУСК 4

LAWYER HERALD

VOLUME 1, ISSUE 4



TOSHKENT-2024

Мундарижа

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ. МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ

1. АЗИЗОВ Бунёд Мавлонович

“МАЪМУРИЙ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАР ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУН ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН
СОҲАЛАРНИ КЕНГАЙТИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ 8

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ

2. ШАДИЕВА Сайёра Арифовна, ЧЕРКАШИНА Ирина Александровна

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ПРАВОВОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ ДОЛЕВОГО ЖИЛИЩНОГО
СТРОИТЕЛЬСТВА В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН 16

3. РАХМОНКУЛОВА Нилуфар Ходжи-Акбаровна

ЧЕТ ЭЛ ЭЛЕМЕНТИ БИЛАН МУРАККАБЛАШГАН НИКОҲЛАРНИ ҚАЙД ЭТИШДА ШАХСИЙ
ҚОНУННИ ҚЎЛЛАШ ОҚИБАТЛАРИ 23

4. ИЛЬЯСОВ Улугбек Бахтиярович

ДВУСТОРОННИЕ ИНВЕСТИЦИОННЫЕ СОГЛАШЕНИЯ: СУЩНОСТЬ И РОЛЬ В
РЕГУЛИРОВАНИИ ИНВЕСТИЦИОННЫХ ОТНОШЕНИЙ 31

5. БОРОТОВ Алишер Хомидович

ХУСУСИЙ МУЛКНИНГ ҲУҚУҚ ВА КАФОЛАТЛАРИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР 42

МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ

6. АБДУЛЛАЕВА Дилфуза

МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШДА ТЎЛИҚСИЗ ИШ ВАҚТИ:
МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА 50

7. ХАМРАҚУЛОВ Шавкатжон Салимович

ИШ БЕРУВЧИНИНГ ФУҚАРОЛИК ЖАВОБГАРЛИГИНИ МАЖБУРИЙ СУҒУРТАЛАШ
ШАРТНОМАСИ БЎЙИЧА СУБРОГАЦИЯНИ ҚЎЛЛАШ МАСАЛАЛАРИ 58

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ, КРИМИНОЛОГИЯ. ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ

8. ПРИМОВ Обиджон Мусирманович

КОРРУПЦИЯ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ
ВА ТЕРГОВ ОРГАНЛАРИНИНГ ҲАМКОРЛИГИ 66

9. ЭШНАЗАРОВ Меҳриддин Жўраевич

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР МАХСУС ПРОФИЛАКТИКАСИ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ҚОНУНИЙ АСОСЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ 72

10. БАРАТОВА Дилноза Одилжон қизи

НОҚОНУНИЙ МИГРАЦИЯНИНГ ИЖТИМОЙ ХАВФЛИЛИГИ ВА УНИНГ УЧУН ЖИНОЙ
ЖАВОБГАРЛИКНИНГ ИЖТИМОЙ ЗАРУРАТИ 78

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ. КРИМИНАЛИСТИКА, ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ҲУҚУҚ ВА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ

11. УМАРҲОНОВ Азизхон Шарипхонович

ҲИМОЯ ҚИЛИНАДИГАН ШАХСЛАРГА НИСБАТАН ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ
ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИ ҚЎЛЛАШНИНГ
САБАБЛАРИ, АСОСЛАРИ ВА МЕЗОНЛАРИ..... 88

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

12. РАҲМАНОВ Шухрат Наимович

МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВЫЕ АСПЕКТЫ ОПРЕДЕЛЕНИЯ ПОНЯТИЯ
«МЕЖДУНАРОДНАЯ МИГРАЦИЯ»..... 95

13. ГАНИБАЕВА Шахноза

ПОВЕСТКА ДНЯ В ОБЛАСТИ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ НА ПЕРИОД ДО 2030 ГОДА:
НОВЫЕ ВЫЗОВЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ПРАВ И НАИЛУЧШИХ ИНТЕРЕСОВ ДЕТЕЙ В МИРЕ... 102

14. СОДИКОВ Акмал Шавкат ўғли

ИСЛОМ ҲУҚУҚИДА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТГА БЎЛГАН МУНОСАБАТ..... 109

15. МИРУКТАМОВА Феруза Лутфуллаевна

ХОРИЖДАГИ ВАТАНДОШЛАР (ДИАСПОРА) БИЛАН АЛОҚАЛАРНИ ТАЪМИНЛАШ
ВА ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР ХАЛҚАРО ВА МИЛЛИЙ АМАЛИЁТ
ТАҲЛИЛИ 117

16. ШАРАПОВ Шухрат Шокирович

ТАЪЛИМ ОЛИШ ҲУҚУҚИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИ КАФОЛАТЛАЙДИГАН ГЛОБАЛ
КОНВЕНЦИОНАЛ АСОСЛАР 127

17. ГАФУРОВА Нозимахон Эльдаровна, ТОШМАТОВА Висолахон

МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ ПРАВ ПОЖИЛЫХ..... 135

18. ВАКНРАМОВА Mokhinur Bakhramovna

TRENDS IN THE DEVELOPMENT OF DIGITAL HUMAN RIGHTS 144

19. ТУРСУНОВ Ойбек Батырович

КЛАССИФИКАЦИЯ ИСТОЧНИКОВ МЕЖДУНАРОДНОГО ВОДНОГО ПРАВА 151

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

КОНСТИТУЦИЈАВИЙ ҲУҚУҚ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ. МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ

АЗИЗОВ Бунёд Мавлонович

Тошкент давлат юридик университети мустақил изланувчиси

E-mail: b.azizov@adliya.uz

“МАЪМУРИЙ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАР ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУН ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН СОҲАЛАРНИ КЕНГАЙТИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): АЗИЗОВ Б.М. “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонун қўлланиладиган соҳаларни кенгайтириш ва такомиллаштириш масалалари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 1 (2024) Б. 8-15.

 1 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2024-1-1>

АННОТАЦИЯ

Илмий мақолада маъмурий органлар билан жисмоний ва юридик шахслар ўртасидаги муносабатлар соҳасини ривожланган хорижий давлатлар тажрибалари асосида ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш, маъмурий тартиб-таомиллар соҳасини аниқлаштириш ва кенгайтириш, маъмурий ҳужжатларни қабул қилиш шакллари аниқлаштириш (оғзаки, ёзма, электрон, белгилар ва бошқалар) бўйича “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонунни такомиллаштириш юзасидан аниқ таклифларни ишлаб чиқиш. Хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ушбу ўзгартиришларни киритилиши Қонундаги ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этишга ҳамда маъмурий ишларни кўриб чиқиш ва ҳал қилишда ягона ҳуқуқий механизмлари белгиланишига хизмат қилади.

Калит сўзлар: маъмурий тартиб-таомиллар, маъмурий орган, маъмурий муносабат, маъмурий ҳужжат, маъмурий-ҳуқуқий фаолият, белги, имо-ишора.

AZIZOV Bunyod

Tashkent State University of Law, Researcher

ISSUES OF EXPANDING AND IMPROVING THE SCOPE OF APPLICATION OF THE LAW “ON ADMINISTRATIVE PROCEDURES”

ANNOTATION

In the scientific article are discussed the issues of improving the legal regulation of relations between administrative bodies with individuals and legal entities based on the experience of developed foreign countries, defining and expanding the scope of administrative procedures,

developing specific proposals to improve the Law “On Administrative Procedures” to clarify the procedure for accepting administrative documents (oral, written, electronic, marking, etc.). Based on the experience of foreign countries, the introduction of these amendments to the legislation of the Republic of Uzbekistan will contribute to the elimination of legal gaps in the Law and the establishment of a unified legal mechanism for the consideration and resolution of administrative cases.

Keywords: administrative procedures, administrative body, administrative relation, administrative act, administrative and legal activity, mark, gestures.

АЗИЗОВ Бунёд Мавлонович

Соискатель Ташкентского государственного юридического университета

ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ И РАСШИРЕНИЯ СФЕР ПРИМЕНЕНИЯ ЗАКОНА «ОБ АДМИНИСТРАТИВНЫХ ПРОЦЕДУРАХ»

АННОТАЦИЯ

В научной статье рассматриваются вопросы совершенствования правового регулирования сфер отношений между административными органами и физическими, и юридическими лицами на основе опыта развитых зарубежных стран, определения и расширения сфер административных процедур, выработки конкретных предложений по совершенствованию Закона «Об административных процедурах» в уточнении порядка принятия административных документов (устных, письменных, электронных, отметочных и др.). Исходя из опыта зарубежных стран, внесение этих изменений в действующее законодательство Республики Узбекистан будет способствовать устранению правовых пробелов и установлению единого правового механизма рассмотрения и разрешения административных споров.

Ключевые слова: административные процедуры, административный орган, административное отношение, административный акт, административно-правовая деятельность, отметка, жест.

Ўзбекистон Республикасида оммавий-ҳуқуқий муносабатлар ҳамда маъмурий тартиб-таомиллар ривожланиб бораётган муносабатлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги шундаки, маъмурий орган билан жисмоний ва юридик шахслар ўртасидаги маъмурий тартиб-таомиллар соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш жараёнида ҳуқуқий бўшлиқларнинг мавжудлиги, ушбу муносабатлар ягона қонун ҳужжатида тўлиқ мустаҳкамланмаганлиги, маъмурий ҳужжатни фақат ёзма шаклда қабул қилиниши белгиланганлигидир. Ушбу ҳолатлар фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг Конституция ҳамда бошқа қонунларда кафолатланган ҳуқуқларини амалга оширишда маъмурий органлар томонидан кўриладиган чоралар ва кафолатлар етарли эмаслигини кўрсатмоқда.

Маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни турли ҳил қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солиниши қонунчиликда бир-бирига номувофиқ талаблар белгиланишига сабаб бўлмоқда. Бу эса, маъмурий органлар томонидан тегишли процедураларни амалга оширишда иш юритишни қийинлашишига ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари бузилишига олиб келади.

Тадқиқот мавзуси – маъмурий жараён, маъмурий иш юритиш ва маъмурий тартиб-таомиллар, шунингдек, маъмурий органларнинг жисмоний ва юридик шахслар билан муносабатларини тартибга солувчи муносабатларни кенгайтириш ва бирхиллаштириш.

Тадқиқотининг мақсади – маъмурий органлар билан жисмоний ва юридик шахслар ўртасидаги муносабатлар соҳасини ривожланган давлатлар тажрибалари асосида ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш. Бунда, маъмурий тартиб-таомиллар

соҳасини аниқлаштириш ва кенгайтириш, маъмурий ҳужжатларни қабул қилиш шакллари аниқлаштириш бўйича қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан аниқ таклифларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг назарий асоси сифатида амалдаги қонунчилик ҳужжатларидан фойдаланилади. Шунингдек, маъмурий тартиб-таомиллар соҳасини кенгайтириш, маъмурий ҳужжатни нафақат ёзма, балки уни бошқа шаклларда қабул қилишнинг долзарблиги хорижий давлатлар қонунчилиги ҳамда олимларининг фикрлари асосида асослаб берилди.

Тадқиқот объекти – маъмурий органлар билан аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги муносабатлар, “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонунни қўлланилиши доираси, маъмурий ҳужжатни қабул қилиш шакллари бўйича маъмурий муносабатлардир.

Тадқиқотнинг методологик асоси. Умумий илмий (аналогия, таҳлил ва синтез) ва илмий билиш методлари ташкил этди. Махсус ҳуқуқий тадқиқот (расмий ҳуқуқий, тарихий ва маъмурий низоларни ҳал қилиш бўйича хорижий назарияларни ўрганиш) нуқтаи назаридан қиёсий таҳлил қилинган.

Тадқиқот мавзуси маъмурий муносабатларни ягона механизмлар асосида ҳал қилиш тартибини белгилайдиган маъмурий тартиб-таомилларни тартибга солувчи миллий ва хорижий давлатлар қонунчилиги, қарор қабул қилишда қонун устуворлигини самарали амалга ошириш механизмларидир.

Илмий мақолада маъмурий тартиб-таомиллар соҳасини хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, тўлдириш, аниқлаштириш ва кенгайтириш ҳамда маъмурий ҳужжатларни қабул қилиш шакллари аниқлаштириш, ушбу масалаларда юзага келаётган муаммоларни ҳал қилишнинг долзарб томонлари очиб берилди.

Жисмоний ва юридик шахслар ўз фаолиятлари давомида турли давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳуқуқий муносабатларга киришади. Мазкур муносабатлар жараёнида маъмурий органлар томонидан жисмоний ва юридик шахсларга оид маъмурий ҳужжатлар қабул қилинади. Ўз навбатида ушбу маъмурий ҳужжатлар оммавий ҳуқуқий муносабатларни юзага келтиради, ўзгартиради ёки бекор қилади. Яъни, маъмурий ҳужжат жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларига даҳл қилади.

Шу сабабли, ушбу жараёндаги тартиб таомилларни бирхиллаштириш, фуқароларни ортиқча оворагарчликлардан ҳалос қилиш мақсадида 2018 йил январь ойида **Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонуни** (кейинги ўринларда Қонун деб юритилади) қабул қилинган. Қонун бевосита маъмурий тартиб-таомилларни амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солади [1].

Маъмурий тартиб-таомил бу маъмурий органларнинг маъмурий-ҳуқуқий фаолиятини тартибга солувчи процессуал қоидалар ҳисобланади.

Қонуннинг вазифаси маъмурий органлар билан муносабатларда қонун устуворлигини ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашдан иборат бўлиб ҳисобланади.

Қонун том маънода маъмурий органлар билан муносабатларда қонун устуворлигини, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган бўлиб, барча маъмурий органлар учун **маъмурий тартиб-таомилларни амалга ошириш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан кейинги асосий ҳужжат бўлиб ҳисобланади.**

Қонун давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг маъмурий тартиб-таомиллар соҳасидаги фаолиятига баҳо беришда, қонунийликни таъминлашда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда, давлат хизматларини кўрсатишда дастуруламал бўлиб хизмат қилади.

Маъмурий жараёнлар функционал равишда мансабдор шахс томонидан мустақил равишда маълум маъмурий ишни кўриб чиқиш ва адолатли қарорларни кафолатлашга қаратилган муҳим восита сифатида тан олинishi керак [2].

Қонунчиликка мувофиқ маъмурий-ҳуқуқий фаолият соҳасида маъмурий бошқарув

ваколати берилган органлар, шу жумладан давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек ушбу фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа ташкилотлар ва махсус тузилган комиссиялар **маъмурий органлар** ҳисобланди [1].

Миллий Қонунимиз нисбатан торроқ бўлган маъмурий соҳаларга тартбиқ этилиши белгиланган. Хусусан, Қонун фақат маъмурий органларнинг манфаатдор шахсларга нисбатан маъмурий-ҳуқуқий фаолиятига, шу жумладан лицензия, рухсат бериш, рўйхатдан ўтказиш тартиб-таомилларига, давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ бошқа тартиб-таомилларга, шунингдек қонунчиликка мувофиқ бошқа **маъмурий-ҳуқуқий фаолиятга нисбатан татбиқ этилади** [1].

Қонун норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш, давлат хизматини ўташ, референдумлар, сайловлар ўтказиш, мудофаа, жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқ-тартибот соҳасида, шунингдек тезкор-қидирув фаолияти, суриштирув, дастлабки тергов, жиноий мажбурлов чораларини қўллаш билан боғлиқ бўлган бошқа фаолият, суд ишини юритиш, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш соҳасида юзага келадиган **муносабатларга нисбатан татбиқ этилмайди** [1].

Таҳлиллар ва хорижий давлатлар тажрибаси Қонунни маъмурий-ҳуқуқий фаолиятга нисбатан татбиқ этилиши доираси тўлиқ эмаслигини кўрсатди.

Хусусан, М.О.Ефремовнинг фикрига кўра, маъмурий тартиб-таомиллар ҳокимиятнинг давлат бошқаруви жараёнида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинадиган ҳаракатларнинг тартибини ифодалайди, уларнинг мақсади маъмурий ҳуқуқнинг моддий нормаларини амалга ошириш бўлиб ҳисобланади [3].

Маъмурий қонунчилик давлат бошқаруви муносабатларини кучли регулятори ҳисобланади, у доимий равишда янгилашиб туради. Унинг асосий мақсади ижро этувчи ҳокимият органларининг самарадорлигини ошириш, маъмурий қарор натижаларини жамоатчиликка тушунарли ва шаффоф бўлишини таъминлашдир [4].

Ю.А.Тихомиров ва Э.В.Талапина маъмурий тартиб-таомилларни қўйидаги фаолиятларга татбиқ этилишини ҳамда тартиб-таомилларни мураккаб усулларда қўллаш мувофиқлигини таъкидлайди [5]:

- ташкилий (иш тартиби, вазифаларни тақсимлаш), қарор қабул қилиш (ҳуқуқий ҳужжатлар, оғзаки қарорлар ва бошқа);
- ахборотдан фойдаланиш (ҳужжатлар айланиши, ахборот хизматлари), функционал муаммоларни ҳал қилиш (иқтисодий, молиявий ва бошқалар);
- ваколатларни топшириш, юридик ҳаракатларни амалга ошириш (лицензия ва бошқалар), мувофиқлаштириш, назоратни амалга ошириш;
- мақсадли дастурлар доирасидаги фаолият;
- фуқароларнинг мурожаатларини ҳамда жамоат бирлашмаларининг таклифларини кўриб чиқиш;
- келишмовчиликларни бартараф этиш;
- ўта оғир вазиятларда ҳаркатлар (техноген фалокат, фавқулодда ҳолатлар ва бошқалар);
- ташкилотни қайта ташкил этиш ва бошқариш тартиби;
- халқаро ва аралаш тартиб-таомиллар.

Венгрияда ҳам маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонунчилик миллий мудофаа, ташқи савдо, солиққа тортиш билан боғлиқ фаолиятга татбиқ этилмайди. Лекин, ушбу жараён умумий бўлиб, бунга қўшилиб бўлмайди. Сабаби, солиқ ва божхона маъмуриятчилиги ҳам маъмурий тартиб-таомилларнинг классик соҳалари ҳисобланади. Шунингдек, Қонун “мудофаа” соҳасидаги “ҳарбий хизматни ўташ”га татбиқ этилиши белгиланган.

АҚШнинг “Маъмурий процедуралар тўғрисида”ги акти 1946 йилда қабул қилинган. АҚШ қонунчилиги ўрганилганда маъмурий тартиб-таомиллар асосан “дю процесс” таомийли асосида амалга оширилиши аниқланди. АҚШ Конституциясига кўра “дю процесс” таомийли инсоннинг ҳаёти, эркинлиги ва мулкига даҳл қиладиган ҳар қандай маъмурий ҳаракатга нисбатан татбиқ этилиши назарда тутилади. Яъни, қонун

инсоннинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва мулкига ҳар қандай шаклда дахл қиладиган маъмурий ҳаракатларни ушбу принципи асосида таъминлайди.

Озарбайжон Республикасининг “Маъмурий ишларни юритиш тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасида [6] Қонун Озарбайжон Республикаси қонун ҳужжатларида маъмурий органлар сифатида белгиланган (таснифланган) органларнинг фаолиятига нисбатан қўлланилиши белгиланган. Яъни, Қонун жиноий жавобгарликка тортиш бўйича жиноят-процессуал фаолият ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолатлари бўйича фаолиятдан ташқари барча маъмурий-тартиб таомилларга татбиқ этилади.

Финляндия Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонуни 2003 йилда қабул қилинган бўлиб, Қонуннинг ўзида Қонун татбиқ этилмайдиган соҳалар белгиланган [7]. Хусусан, Қонун давлат органлари, муниципал органлар, шунингдек жамоат ҳуқуқи доирасидаги мустақил муассасалар ва ташкилотлар, шунингдек Парламентга ва Республика Президенти девонига бўйсунадиган идораларда, давлат корхоналари, жамоат ҳуқуқи бўйича бирлашмалар ва хусусий партиялар томонидан давлат бошқаруви соҳасидаги вазифаларни бажариш соҳасидаги фаолиятларга татбиқ этилади.

Қонун адлия, судгача тергов, полиция тергови ёки мажбурий чоралар маъмуриятига, ҳарбий буйруқларга, шунингдек маъмуриятнинг бирон бир вазифани ёки бошқа чораларни бажаришга оид ички буйруқларига, мамлакатдаги олий ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқий назорат соҳасида юзага келадиган муносабатларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Шу сабабли, Қонуннинг 52-моддасини қайта кўриб чиқиб, унда маъмурий ҳужжат нафақат ёзма шаклда, балки электрон, оғзаки, белгилар, имо-ишоралар ва сигналлар йўли билан, тасдиқловчи ҳужжат бериш ёки муайян ҳаракатларни амалга ошириш, шунингдек автоматик воситалар ёрдамида қабул қилиниши мумкинлигини белгилаш зарур. Бунда қонунчилик ҳужжатларида маъмурий ҳужжат шаклига махсус талаблар белгиланганда ушбу талабларга мувофиқ шаклда қабул қилиниши лозимлигини ҳам белгилаш мақсадга мувофиқ.

Арманистон Республикасининг “Бошқарув ва маъмурий иш юритиш асослари тўғрисида”ги Қонунининг 2-моддасида ушбу Қонуннинг (I ва VII бўлимлари) маъмурий органларнинг оммавий ҳуқуқ соҳасидаги ҳар қандай фаолиятига, Қонуннинг II-VI бўлимлари маъмурий органларнинг маъмурий қарор қабул қилиш билан тугайдиган ҳар қандай ҳаракатларига, IV-VI бўлимлари маъмурий органларнинг шахслар учун ҳақиқий оқибатларга олиб келадиган ҳаракатлари ва ҳаракатизликларига татбиқ этилиши, маъмурий ҳуқуқбузарликка оид муносабатларга ҳамда процессуал қоидалар билан тартибга солинадиган муносабатларга татбиқ этилмаслиги белгиланган [8].

Беларусь Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар асослари тўғрисида”ги Қонунида ушбу Қонун татбиқ этилмайдиган муносабатлар нисбатан кенгроқ баён қилинган. Жумладан, Қонуннинг 2-моддасида маъмурий тартиб-таомилларни амалга оширишда қўйидаги маъмурий тартиб-таомилларга нисбатан татбиқ этилмаслиги белгиланган. Хусусан [9]:

- конституциявий иш юритиш, фуқаролик процессуал, хўжалик процессуал, жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари, тезкор-тергов фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган муносабатларга;

- сайлов тизими ва референдум тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган муносабатларга, фуқаролар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга оширишда;

- фуқаролик қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган муносабатлар ва шартномавий муносабатларга;

- банк, солиқ, божхона қонунчилиги, иқтисодий ночорлик (банкротлик) тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган муносабатлар (қонун ҳужжатларида ушбу фаолиятга татбиқ этилиши мумкин бўлган ҳолатлар белгиланиши мумкин);

- молия-хўжалик фаолиятини текширишларни ташкил этиш, нотариал ҳаракатларни бажариш, суд қарорларини ижро этиш, пенсия тайинлаш билан боғлиқ муносабатларга;

- меҳнат ва унга алоқадор муносабатлар, ҳарбий хизматни қабул қилиш, ўтиш ва тугатиш, ички ишлар органларида, фавқулодда вазиятлар бўйича органлар ва бўлинмаларда хизмат қилишга;

- юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларни якка тартибда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, фуқароларга божхона тўловлари ва солиқлар бўйича имтиёзлар бериш билан боғлиқ муносабатларга;

- давлат харидлари, шунингдек тендерлар ёки аукционлар орқали амалга ошириладиган ҳуқуқлар, мулкӣ ва (ёки) хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ муносабатларга;

- юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларни республика ёки маҳаллий бюджетлар, давлат бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари билан таъминлаш билан боғлиқ муносабатлар.

Шунингдек, Фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари манфаатдор шахсларнинг аризалари ва маъмурий шикоятларни кўриб чиқиш билан боғлиқ муносабатларга татбиқ этилмайди. Қайд этилган муносабатлардан ташқари бошқа маъмурий тартиб-таомилларга нисбатан Қонун тўлиқ татбиқ этилади.

Германия Федератив Республикасининг “Маъмурий процедуралар тўғрисида”ги Қонунининг 1-моддасида ушбу Қонун маъмурий органларнинг ижтимоий-ҳуқуқий фаолиятига ҳамда давлат ҳуқуқий фаолиятига нисбатан қўлланилиши белгиланган. Қонун ер соҳасидаги маъмурий тартиб-таомилларга татбиқ этилмайди. Сабаби ушбу муносабатлар Ер соҳасидаги маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги Қонуни билан тартибга солинади [10].

Шунингдек, Қонун черковлар, диний ва мафкуравий бирлашмалар фаолиятига, уларнинг уюшмалари фаолиятига; уруш натижасида етказилган зарар ва уруш оқибатлари туфайли етказилган зарарни қоплаш ҳуқуқига; етказилган зарарни қоплаш ҳуқуқига; ижтимоий Кодексда белгиланган тартиб-таомилларга; Германия патент ва товар белгиси идораси ҳамда унинг ҳузурида ташкил этилган ҳакамлик идоралари фаолиятига; жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича хорижий давлатларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш каби фаолиятларга татбиқ этилмайди.

Маъмурий қонунчилик давлат бошқаруви муносабатларини кучли регулятори ҳисобланади, у доимий равишда янгилашиб туради. Унинг асосий мақсади ижро этувчи ҳокимият органларининг самарадорлигини ошириш, маъмурий қарор натижаларини жамоатчиликка тушунарли ва шаффоф бўлишини таъминлашдан иборат [4].

Фикримизча, Қонундаги ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этиш мақсадида Қонун татбиқ этиладиган соҳаларни қайта кўриб чиқиш, ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, соҳадаги қонунчилик ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш, Қонун қўлланиладиган соҳаларга қуйидагиларни киритиш лозим.

Хусусан, солиқ, божхона, давлат назорати ва текшируви, фуқароларнинг пенсия таъминоти, давлат хизматида қабул қилиш, ундан бўшатиш ва лавозимга кўтарилиш (лавозимдан тушириш), ҳарбий рўйхатга олиш ва ҳарбий хизматга чақириш, шаҳарсозлик режалаштириш, ер участкаларини ажратиш ва олиб қўйиш, шунингдек маъмурий органларнинг бошқа маъмурий-ҳуқуқий фаолиятига нисбатан татбиқ этилишини белгилашни таклиф этаман.

Сабаби, АҚШ, Германия, Япония, Озарбайжон ва бошқа хорижий давлатлар тажрибаси пенсия, солиқ ва божхона маъмуриятчилиги маъмурий муносабатлар соҳасига киритилганлигини ҳамда маъмурий тартиб-таомилларнинг классик соҳалари ҳисобланишини кўрсатди.

Шунингдек, давлат хизматида қабул қилиш ва бўшатиш, шунингдек аттестациядан ўтиш ва хизмат бўйича кўтарилиш тўғрисидаги қарорлар маъмурий ҳужжат ҳисобланади. Демак, ушбу муносабатларни “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонун татбиқ этиладиган соҳага киритиш зарур. Фақатгина давлат хизматининг меҳнат муносабатлари доирасидаги топшириқ бериш ва уни ижросини ташкил этиш билан боғлиқ муносабатларга нисбатан Қонун татбиқ этилмаслигини белгилаш мақсада мувофиқ.

“Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонунни ва маъмурий тартиб-

таомилларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларини қўллаш, унинг муҳимлиги бўйича айрим мақола ва маърузалар мавжуд бўлсада, лекин ҳалигача ушбу институтни (қонунчилик) амалиётга жорий қилиш, уларни амалиётда қўллашни тушунтириш бўйича аниқ бир илмий иш мавжуд эмас.

Маъмурий тартиб-таомилларни тартибга солувчи қонуности ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирилмаганлиги ҳам Қонунни амалиётда қўллашда муаммоли вазиятларни келтириб чиқармоқда.

Шу сабабли, ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонунни такомиллаштириш, Қонун татбиқ этиладиган соҳаларни Қонунда айнан кўрсатиш ва кенгайтириш лозим.

Бундан ташқари, Қонуннинг 52-моддасида маъмурий ҳужжат ёзма шаклда қабул қилиниши, ёзма маъмурий ҳужжат маъмурий органнинг ваколатли мансабдор шахси ёки коллегиял орган аъзолари томонидан имзоланиши ва маъмурий органнинг муҳри билан тасдиқланиши белгиланган.

Бироқ, хорижий давлатлар тажрибаси ҳамда мавжуд амалиёт маъмурий ҳужжатни бошқа шаклларда, хусусан, оғзаки равишда, белги ва ишоралар билан ҳам қабул қилиниши мумкинлигини кўрсатмоқда.

Озарбайжон Республикасининг “Маъмурий ишларни юритиш тўғрисида”ги Қонунининг 57-моддасида маъмурий ҳужжат ёзма равишда қабул қилиниши, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда маъмурий ҳужжат ёруғлик, овозли сигналлар ва белгилар, тасвирлар шаклида ёки бошқа шаклларда қабул қилиниши ҳам мумкинлиги белгиланган [6]. Яъни, Озарбайжон Республикасида ҳам маъмурий ҳужжат нафақат ёзма шаклда балки бошқа шаклларда ҳам қабул қилиниши мумкинлигини белгиланган.

Беларусь Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар асослари тўғрисида”ги Қонунининг 26-моддасига кўра маъмурий ҳужжат ёзма, оғзаки ёки ахборот ресурсларига ёзувлар киритиш йўли билан қабул қилиниши мумкинлиги белгиланган [9].

Грузиянинг Умумий маъмурий кодексининг 51-моддасида маъмурий-ҳуқуқий ҳужжат ёзма ва оғзақ шаклда ёки автоматик воситалар ёрдамида қабул қилиниши мумкинлиги белгиланган [11].

“Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонунда белгиланган асослар ва соҳалар барча маъмурий муносабатлар учун универсал хусусиятга эга бўлиши керак. Маъмурий муносабатларни тартибга солувчи соҳаларни ягона қонунда бирлаштирсак, у фуқаролар учун ҳам, давлат хизматчилари учун ҳам қулайликлар яратади.

Таҳлилларимиз ҳамда хорижий давлатлар тажрибаси **Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг амалдаги таҳрири ҳам маъмурий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни тўлиқ ҳал қилиш имконини бермаслигини кўрсатмоқда.** Бу эса, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳуқуқларини тўлиқ ва ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашга ҳамда маъмурий юстиция соҳасидаги халқаро стандартларга етарли даражада жавоб бермайди [12].

Хусусан, маъмурий суд ишларини юритиш принциплари оммавий ҳуқуқий муносабатларнинг мазмун-моҳиятини тўлиқ акс эттирмайди, **давлат органлари томонидан суд қарорлари ижро этилиши устидан назоратнинг таъсирчан механизмлари тўлиқ жорий этилмаган.**

Айниқса, маъмурий органлар билан фуқаролар ва юридик шахслар ўртасидаги низоларнинг **судга тааллуқлилигига ва судловга тегишлилигига оид қоидалар етарли даражада тартибга солинмаган, маъмурий судларга жамоавий аризалар (class action) бериш тартиби ва асослари белгиланмаган.**

Фуқаролар ва тадбиркорларнинг маъмурий ҳужжатга бўлган ишончини ҳимоя қилиш тизими етарли даражада тартибга солинмагани ҳолда етказилган зарарни ундириш тартиблари аниқлаштирилмаган.

Ушблардан келиб чиқиб, қуйидагилар таклиф қилинади:

биринчи, маъмурий органлар билан фуқаролар ва тадбиркорлар ўртасидаги барча

низоларни хатловдан ўтказиб, судловга тааллуқлилигига оид қоидаларни, шунингдек, маъмурий органлар мансабдор шахсларининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан бериладиган шикоятларнинг тааллуқлилигини аниқлаштириш ва такомиллаштириш;

иккинчидан, фуқаролик судлари ҳамда иқтисодий судлар томонидан кўриладиган оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни (айниқса маъмурий орган жавобгар бўлган ишлар) маъмурий судларга ўтказиш.

Таҳлилларимиз ривожланган давлатларда **айнан маъмурий судлар** фуқаро ва тадбиркор ҳуқуқлар билан ижро органлари ўртасидаги низоли муносабатларда, ғайриқонуний қарорлари ёки ҳаракатлар (ҳаракатсизлик)дан ҳимоя қилишда судлар муҳим ўрин эгаллашини кўрсатди.

Шу сабабли, фуқаролар ва тадбиркорларининг бузилган ҳуқуқларини тиклашда судларнинг фаол иштироки таъминлаш мақсадида **маъмурий ишларнинг судловга тегишлигига оид нормаларни ва қонунчиликни такомиллаштириш лозим.**

Бу орқали аҳолининг судларга бўлган ишончи янада ошади. Умун олганда, давлат бошқаруви самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Маъмурий қарорлар бир ҳил тартибда ва ягона принципларга мувофиқ қабул қилинади. Бу эса, турли ҳил қонунчилик ҳужжатларига амал қилишдан кўра тезроқ ва осонроқ ишлаш имконини беради. Умумий талаблар коррупцияга қарши курашда ёки коррупцияни олдини олишда самарали усул бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Мазкур ҳолатлар ва кўрсатиб ўтилган камчиликлар Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонунни ҳамда Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексни такомиллаштириш бўйича тегишли ўзгартиришлар киритиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Қонунга мазкур ўзгартиришларнинг киритилиши ва такомиллаштирилиши амалиётда юзага келаётган муаммоларни ҳамда ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикасининг 08.01.2018 йилдаги “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги ЎРҚ-457-сон Қонуни // URL: <https://lex.uz/docs/3492199>;
2. Ponce Sole. Good Administration and administrative procedures. Vol. 12. P. 2–3.
3. Ефремов М.О. Административные процедуры как форма реализации компетенции органов публичной власти во взаимоотношениях с частными лицами: Дис. ... канд. юрид. наук. М., 2005. С.15-16.
4. Кабытов П.П., Стародубова О.Е. Ученые обсуждают проект Кодекса Российской Федерации об административных правонарушениях // Журнал российского права. 2016. № 3. С. 167–173.
5. Тихомиров Ю.А., Талапина Э.В. Административные процедуры и право // Журнал российского права. 2002. N 4. С. 4.
6. Закон Республики Азербейджан «Об административном производстве» 21.10.2005 г. // URL: http://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=13868.
7. Закон Республики Финляндии «Об административной процедуре» 10.06.2003 г. // URL: <http://www.finlex.fi/fi/laki/kaannokset/2003/en20030434.pdf>.
8. Закон Республики Армения «Об основах администрирования и административном производстве» 18.02.2004 г. // URL: <https://www.arlis.am/documentview.aspx?docid=61846>.
9. Закон Республики Беларусь «Об основах административных процедур» 28.10.2008 г. // URL: http://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=25017.
10. «Закон об административных процедурах Федеративной Республики Германия» // Сборник законов об административных процедурах С-113. // URL: <https://jurkniga.ua/contents/sbornik-zakonov-ob-administrativnykh-procedurakh.pdf>.
11. «Общий административный кодекс Грузии» 15.07.1999 г. // URL: <https://matsne.gov.ge/ru/document/view/16270?publication=37>.
12. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси // URL: <https://lex.uz/docs/3527353>.